



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ШАНБА
СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН • № 191 (9837). • 1990 йил 6 октябрь • Баҳоси 5 тийин.

• ХОСИЛ—90 •

АЗИЗ ПАХТАКОР! ДАМ ҒАНИМАТ, ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ КЎРСАТ!

ЯНА БИР ХЎЖАЛИК МАРРАДА

● УРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳам режасини бажарди. Давлатга 3669 тонна пахта топширилиб, бу борадаги кўрсаткич 100,53 фоизга етди. 24 та машина билан ўртача 130 тоннадан пахта йиғиштириб олинди.

Хўжаликнинг маррага етиб келишини тезлаштиришда муносиб ҳиссаларини қўшган механикаторлардан — 202 тонна пахта терган Али Холмирзаев, 160 тоннадан ошириб ҳосил тўккан Шухрат Шоҳмуҳаммадов, Фахриддин Сирожиддинов, Абдулмоним Аҳмедовларга ҳамкасблари «Тасанно!» демокдалар.

М. БОЗОРБОВЕВ.



● БЕКОБОД ноҳиясидаги Мавлонов номли шўро хўжалигида биринчи теримнинг ўзидаёқ режанинг 75 фоиз миқдоридан пахта териб олинди. Деҳқонлар кунинг йиллик режанинг 6—7 фоизини топширишга эришгандилар. Суратларда: (chapдан ўнгга) насаба уюшмалари кўмитасининг раиси Абдулғаффор Ҳасанов, бригада бошлиғи Тошпўлат Жуманқулов ва Раҳимқул Хўжанқуловлар; ноҳиядаги «Социализм» пахта тайёрлаш пунктида. Суратчи А. МАЛЫЦЕВ.



● КУНИ КЕЧА ВИЛОЯТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА 19 МИНГ 228 ТОННА ПАХТА ТЕРИЛДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЕН ТУПЛАНГАН ҲОСИЛ 224 МИНГ 650 ТОННА БЎЛДИ. 2815 ТА МАШИНА ЎРТАЧА 6,9 ТОННАДАН ПАХТА ТУҚДИ.

● ПАХТАКОР ноҳиялар ўртасида Урта Чирчиқ пешқадамлик қилмоқда. Иш унуми кундан-кунга юқори бўляпти. Эрта-индин йиллик режасини бажариш арафасида турган ноҳия деҳқонлари суръатини яна ҳам кучайтирмоқдалар. Пахтазорларда ишлаётган 301 машинанинг ҳар бири кунинг 9,5 тоннадан пахта тарапти.

● АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР! МАРРА ЯҚИН ҚОЛДИ. СУРЪАТНИ ЯНАДА ТЕЗЛАШТИРСАК КУЗЛАГАН ҲОСИЛИМИЗНИ ЙИҒИШТИРИВ ОЛАМИЗ. ХИРМОННИНГИЗГА БАРАҚА ТИЛАЙМИЗ!

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ
обуна
бўлдингизми?



ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газета ва журналлари учун обуна 31 октябрга-ча давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтамыз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҒАРМОНИ

Бозор муносабатларига

ўтишининг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари ҳақида

Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш-ни кўпайтиришдан ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, бозор муносабатларига ўтиш учун шароит яратишдан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида қарор қилмаган:

1. Халқ хўжалигида шартномавий улгуржи нархлар кенг қўлланилишига ўтилсин. 1991 йилга шартномалар тузиш чоғида мазкур нархлар СССР Министрлар Кенгашининг 1988 йил 14 июндаги 741-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган улгуржи нархлар асосида белгиланади.

2. Шартномавий нархларни кенг қўлланишга ўтиш натижасида ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар нархи умумий даражаси асоссиз равишда ўсишининг олдини олиш мақсадида, рентабеллигининг энг юқори даражасини жорий этиш кўзда тутилсин, бунда ана шу даражага қўшимча равишда олинган фойданинг ҳаммасидан иттифоқ ва жумҳурият бюджетларига беравар улуш билан ўтказилиши кўзда тутилсин.

3. СССР Министрлар Кенгаши ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Кенгашлари ўз ваколатларига мувофиқ ўн кун муддат ичиде:

Қайд этилган улгуржи нархлар қўлланиладиган хом ашё, конструкция материаллари ҳамда ишлаб чиқариш — техника мақсадларига мўлжалланган бошқа маҳсулотлар рўйхатини белгилаб қўйсинлар ва бу нархларнинг даражасини тасдиқласинлар;

Рентабеллигининг энг юқори даражасини ҳисоблаб чиқариш ва корхоналарнинг ана шу даражадан ортиқча олинган фойдаларини улардан тортиб олиш тартибини аниқласинлар.

4. «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунини амалга оширишининг СССР Олий Совети қабул қилган «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги қароридан кўзда тутилган муддатларини ҳисобга олиб, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ижтимоий сугуртасига тўлайдиган бадаллар тарифларини босқичма-босқич кўпайтириш кўзда тутилсин ҳамда шу муносабат билан мазкур тарифлар 1991 йил учун 26 фоиз миқдоридан белгилансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 4 октябрь

ДОНО МАСЛАХАТЧИ

БИЗНИНГ оиламиз кўп йиллардан буён турли газета ва журналларга обуна бўлиб келади. Бунинг боиси бобр, албатта. Чунки ишдан чарчаб келгандан сўнг газета ва журнал ўқиб ҳордиқ чиқаришга нима етсин.

Еттига олий маълумотли ўғил-қизларим, келинларим бор. Яна уч нафар фарзандим диплом олиш арафасида. Бу йилги обуна мавсумида баримиз 18 та турли нашрларга обуна бўлдик. Буларнинг орасида сеvimли рўзномамиз «Тошкент ҳақиқати» ҳам бор. Ўзимиз обуна бўлган газета саҳифаларидан «Дугонажонлар», «Бир хат изидан», «Оқибат» рубрикалари остида берилаётган мақолалар кўпайтирилишини истардим. Бу факат меннинг ёки оила аъзоларимнинг эмас, балки кўпчиликнинг фикри бўлса керак.

К. МУСУРМОНОВ.
Оҳангарон ноҳияси, Кўчбулоқ қишлоғи.

• ҲОСИЛ—90 •

• ҲОСИЛ—90 •



● ПИСКЕНТ ноҳиясидаги «Гулстони» жамоа хўжалигига ноҳия болалар касалхонасининг «Шифокор» гуруҳи ёрдами келган. 60 кишидан иборат бўлган шифокорлар кунига 4,5 тоннадан пахта териб беришарди. Суратда: [чапдан] Ҳамид Самидарова ва Дилноза Йўлдошевлар.

Суратчи А. МАЛЫЦЕВ.

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

БЕКОВОД ноҳиясидаги Ойбек номли давлат хўжалигининг Тўрабек Пардабоев бошлиқ бўлими ноҳияда биринчи бўлиб пахта топириш режасини бажарди. 382 гектар ердан олинган 900 тонна пахтанинг 95 фоизи

машиналарда терилди. Механизаторлар А. Элмуродов, Ш. Худойбердиев, Ҳ. Мардиевлар 100—110 тоннадан пахта тўкишди. Бўлимнинг Рўзбой Шомуродов бошлиқ бригадаси эса режасини 120 фоиз қилиб бажарди.

Хўжаликнинг ўзи ҳозир кунига тўрт—беш фоиз миқдорда пахта бериб, маррага яқинлашиб қолди.

Т. УСМОНОВ.

ТЕРИМ КUNДАЛИГИ

Видоитимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши

тўғрисида 5 октябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани, учинчи устун — мавсум бошдан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошдан буён.

Коммунистик	6,58	74,19	7,88	88,93
Бекобод	3,15	71,17	3,76	71,98
Ўрта Чирчиқ	7,51	88,14	9,00	83,91
Оққўрғон	5,44	64,67	6,70	70,07
Пискент	6,08	61,82	6,65	58,66
Бўка	6,12	61,63	7,75	68,48
Чилёз	4,75	60,09	5,92	51,10
Ғалаба	5,53	58,61	6,44	67,78
Янгийўл	4,36	49,94	5,26	48,28

Вилоят бўйича: 5,46 63,82 6,30 66,01

ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА

РОҲАТ кўлини Нариманов ноҳияси билан туташирувчи нафтидек текис асфальт йўл тўғрисида Коммунистик ноҳиясининг «Правда» жамоа хўжалигига олиб боради. Теварак атроф оппоқ пахтазор. Лўппи-лўппи чаноклардан тошиб чиқаётган «оқ олтин» кўзини қувонтиради. Далаларда меҳнат суруни авжиди. Ҳар бир тонна, ҳар бир килограмм пахта учун тўланаётган ҳақнинг оширилганлиги механизатор-теримчиларнинг ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Фурсатдан оқилонга фойдаланаётган дала меҳнаткашлари 5800 тонналик улкан хирмоннинг тама-ли тошини кўймоқдалар. Жамоа хўжалиги бош муҳандиси Валентин Александрович Пакни далада учратдик.

— Бу йил пахта йигим-теримини ўтган йилдагига нисбатан анча эрта бошладик, — деди Валентин Пак биз билан суҳбатда. 1950 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 30 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил олинади. Йиллик пахта тайёрлаш режаси 15 октябрга тугалланади. Далаларда эса майжубурлати қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Айни кунларда йиллик режанинг 4,5—5 фоизи миқдорда пахта тайёрлашга эришилган. Ҳозирча далада 40 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда. Ҳосилнинг 80 фоизи машиналарда териб олинади.

Чаман-чаман очилиб ётган пахтазорни кесиб ўтиб, хўжаликда ғалаба рапортига имзо чекишга шай бўлиб турган Шоир Ҳамидов етакчилик қилаётган бригадига бурилдик. Пешқадамлар бригадасида пахта йигим-теримининг энг қизғин палласи бошланган. Бригадирнинг ҳам, бригада аъзоларининг ҳам руҳлари баланд. Улар бу ўн кунликда мусобақа ғолиби деб топилиб, жамоа хўжалигининг қимматбаҳо совғаси билан тақдирландилар. Аҳил коллектив айни кунларда илгорликни қўлдан бермаслик учун янада баракали меҳнат қилмоқдалар.

Хўжаликнинг Олег Ли, Ўроз Мирза Раҳимовлар етакчилиги қилаётган бригада аъзолари ҳам зафар марра-

қайнайд. Ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун меҳнат қилаётган бригада аъзоларининг кўли-қўлига тегмайди. Принцип етаклаган тракторларнинг гуриллаши, пахтазорда бир маромда кемадек сузиб юрган терим машиналарининг ҳайқирғи меҳнат жўшқинлигидан далолат беради. Бригадирнинг ишонч ва қувончдан порлаган кўзлари далами, унга жон бағишлаган одамларни кузатади. Бригаданинг ҳақиқий жонқуярлари бўлган суворийлар Низом Ражабов, Халил Расулаллар ўз ишлари билан банд. Улар ҳар 15—20 минутта қолмай агрегаторлар бунерини тўлдириб, тележакчиларга бўшатиб беришарди. Тележакчилар эса аум ўймай тўлган пахта-ларни пунктга етказиб бермоқдалар.

— Ҳар, бир лаҳза, ҳар бир соат ҳисобида, — дейди бригада саркори Валентин Ли. — Ҳозирги куннинг бир кунини ноябрга ойининг ўн кунига тенг. Етиштирилган ҳосилни кулай об-ҳаво шароитида, қисқа муддатларда, ушқоқлик билан териб олмаган деҳқон панд ейти. Октябрнинг иккинчи ярмидан кейин ҳаво ҳам айнидиган, пахтанинг сифати ҳам пасаяди. Шунинг ҳисобида олиб биз зиммамизга олган мажбуриятимизни СССР Конституцияси кунига бажариш учун бутун куч-қувватимизни пахта йигим-теримига сарфлар етказиб. Ноҳия пахта тайёрлаш пунктига ҳар кун 5—6 фоиздан «оқ олтин» жўнатилмоқда.

Валентин Лининг бригадасиданми. Ўзалар денгиздек чайқалиб, қор каби товланиб ётган пахтазорларда ҳаёт

ЛАВҲА

сига дастлабки қадами кўйиш арафасида турибдилар. Бу бригадаларда машина теримига катта эътибор берилганлиги туфайли ҳар кун 5—6 фоиз миқдорда пахта тайёрланмоқда.

— Дефолиациядан чиқарилиб барги тўкилган майдонларда машина терими бошланганига кўп бўлмади, — дейди механизатор Валентин Ким. — Ҳақиқий пахта теримига энди киришилди. Мен теримнинг дастлабки куниниқ ўз машина билан 10 тоннадан ошириб пахта теришга эришдим. Бу ҳали ҳамир учидан патир, холос. Кунлик терим, суръатини ошира бориб 15 тоннага етказаман. Мақсадим мавсумда 170 тонна пахта териб бериш.

Валентин Лининг бригадасиданми. Ўзалар денгиздек чайқалиб, қор каби товланиб ётган пахтазорларда ҳаёт

Асад ФОЗИЛОВ.

КЎП ВА ТОЗА ТЕРГАН-ҒОЛИБ

ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги К. Маркс номли колхозда бу йил механизаторларнинг ишини ташкил этишга янгича ёндашилди. Бу ерда улар ўртасидаги мусобақага ҳар кун янги ясалиб, ғолиблар моддий рағбатлантирилмоқда. Ғолибларни аниқлаш шартлари ҳам бироз бошқачароқ. Ким энг кўп ва тоза пахта терса,

мукофот эгаси бўлади. Ўтган кун тажрибали механизатор Обид Жонзоқов ўз агрегати бункеридан 13 тонна пахта тўкиб, биринчи ўринни олди ва 15 сўм пул мукофоти сазовор бўлди. 12 тонна пахта терган Абдужаббор Ҳидиров 10 сўм, 11 тонна «оқ олтин» тўккан Мўйдин Нейматиллаев 5 сўм эгаси бўлди. Шунинг диққатга

сазоворки, бу мукофот ғолибларга ўша куннинг ўзида берилмоқда.

Пахта йигим-теримини ташкил этишдаги бу янгилик терим суръатининг юқори бўлишига катта роль ўйнашди. Бугунги кунда фақатгина механизаторлар эмас, илгор теримчилар ҳам иш ҳақларини ўз вақтида олишмоқда.

Мазкур хўжалик пахтакорлари 1990 йилда давлатга 3200 тонна пахта сотиш режасини қабул қилишган. Бу ҳосилнинг 90 фоиздан ортиги машиналар ёрдамида териб олинади.

М. БОЗОРАЛИЕВ.

• 7 октябрь СССР Конституцияси кунини

СОВЕТЛАРГА БЕРИЛГАН ҲУҚУҚ

СССРнинг Асосий қонунинда Совет фуқароларига берилган ҳуқуқлар, эркинликлар, имтиёзлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Жумладан, фуқароларнинг уй-жойли бўлишлари, меҳнат қилишлари, дам олишлари ва ҳақозо ҳуқуқлар қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мен совет ходими бўлганлигим учун ҳам кўйида СССРнинг сиёсий асоси бўлган халқ депутатлари Советларига берилган ҳуқуқлар тўғрисида фикр билдирмоқчиман. Аввало янги Конституцияда совет сайлов системасининг демократлаштирилиши муҳим воқеа бўлди. Тазбир жоиз бўлса, биринчи марта маҳаллий Советларга сайловчилар депутатларни муқоабил номзодлар ичидан таллаб олдилар. Шунингдек советларга ўз ҳудудларидаги корхона, ташкилот ҳамда хўжаликлар, умуман барча тор-

моқларга раҳбарлик қилиш имконияти берилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бугун дедил айтиш мумкинки, кўпгина жойларда маҳаллий Советлар ўз ҳуқуқларидан, имкониятларидан фойдалана бошладилар ва бу катта самара бераёпти. Масалан, бизнинг ноҳиямизда биринчи навбатда халқ депутатларининг обрўсини, нуфузини оширишга катта аҳамият берилди. Қисқа фурсат ичида депутатларнинг фаоллиги натижасида ноҳиямизда транспорт қатнови бир мунча яхшиланди. Шахсий

уй-жой ажратиш тартибига солинди ва аҳолининг барча талаби қондирилмоқда. Шу йилнинг сентябры ойида бўлиб ўтган ноҳия Советининг сессиясида меҳнатни ташкил этишнинг ижара, коллектив пудрати ва бошқа илгор усулларини оммалаштириш, тақомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Қисқаси, халқимиз Советларнинг родини тушуна бошладилар.

Урни келганда айрим шахсий мулоҳазаларимни ҳам ўртага ташламоқчиман. Сабаби бугунги кунда Асосий Қонунимиздаги барча моддалар ҳам тўлиқ ишлалмаяпти. Менимча, қонундаги халқ учун хизмат

қиладиган моддаларни амалга ошириш айнан Советларнинг фаолиятига боғлиқ бўлиб турибди. Жамоат ишларини бошқаришга фуқароларни кенгроқ жалб этиш, жамоат ташкилотлари активлигини ошириш, қилинаётган ишлардан халқни хабардор қилиб туриш, жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш, ҳисобга олиш бугунги кунда келгуси ишни ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Шундай экан, маҳаллий Советлар СССР Конституциясида белгиланган кўйилган ўз ҳуқуқларини, имкониятларини тўлиқ ишга солишлари лозим.

О. ҲАМРОЕВ.

ҲОСИЛДОРЛИК 40 ЦЕНТНЕР БЎЛАДИ

БўКА ноҳиясида яна ик-кита бригада зафар қўчди.

Жамбул номи жамоа хўжалигининг Раҳмон Араббонев бош бўлган бригадаси деҳқонлари пахта экилган 54 гектар ерининг ҳар гектаридан 27,8 центнердан умумий 149 тонна ҳосил олишди. Бунда шубҳасиз, машинаси билан унинг 115 тоннасини териб берган Эркин Маматовнинг хизматини алоҳида айтиб ўтиш лозимдир.

Ноҳиянинг Ҳамза номли жамоа хўжалигида Ўсар Пардаевнинг бригадаси ҳам 62 гектар ердан 29,9 центнердан маҳсулот олиб, режасини бажарди. Фотима Суярова, Назира Суеноваларнинг терган пахтаси 3300—2500 килограммдан ошди. Пахтакорлар ҳосилнинг қолганини чамалаб кўришган ун 40 центнерга етказишга қарор қилишди.

Р. ХУДОЕВОВ.

• Қардошлик оиласида •

ДЎСТЛИКНИ ҚАДРЛАЙЛИК



Борлиқни тутди оқин
овози,
Дўстликка чорлар,
Дилга ҳамоҳанг жаранглр
сози,
Қолмас ғуборлар.

Бунчалар жўшқин айтган
ўлани,
Учар беқанот.
Қалблар оромга, завққа
тўлади,
Элни этар шод.

Е. БОТИРОВ сурат-лаҳзаси.

• Шифокорлар ҳақида ҳикоялар

ЖАРРОҲ БОРОХОВ

ҚўПЛАБ беморлар умрига умр қўшиб келаётган Михаил Хияевич Бороховнинг таржи-
ман ҳоли, хизмат фаолияти ўзи каби шифокорларникига анча ўхшаш. Мактаб, меди-
на билим юрти. Тошкент Дав-
лат медицина институтида та-
лабалик йиллари...

Худди ана шу навқирон йи-
гитлик чоғида бошланган уруш
бўлажак мутахассисга билим-
гоҳини ўзгариштириши тақозо
эти. У ўқишни Фарғонага қў-
чириб келинган 4-Москва ме-
дцина институтида тугатиб,
шифокорлик дипломини олди.
Кейинчалик фронт орқасига
жўнатилган ярадорларни опе-
рация қилишда фаол қатна-
шиб анча тажриба ҳам ортир-
ди.

Унинг бу малакаси 1942
йилда Ростов-Дон шаҳрида
жойлашган маҳсул бош су-
якларни ва миля жароҳатларини
даволашчи госпиталнинг юз-
лаб суякларни жароҳлиги бў-
лимида иш бошлаганда ҳам
анча қўл келди. У қанчадан-
қанча беморларни дарддан
халос этди.

—Оз-жағ суякларни жарроҳ-
лигида операциялар нозик бў-
лади, — дейди Михаил Хияе-
вич. — Дағал тиртиқлар қол-
дирилмаслик, юз шаклини тўри
сақлаб қолиш жуда муҳимдир.
Беморнинг умр мобайнидаги
руҳий ҳолати, кайфияти ана
шу операциянинг қандай ўти-
шига боғлиқ, албатта. Биз до-
имо шуни эътиборда тутардик.

Уруш жангчилар қатори на-
жоткорларни ҳам имтиҳондан



ўтказар, уларнинг мардлиги,
сабот билан қилган хизматла-
рини қўмондонлик кадрларди.
Кавказ фронтида жарроҳга
«Кавказ мудофеаси учун» ме-
дали берилган бўлса, кейинча-
лик у Харьковдаги жанговар
хизматлари эвазига 1 даража-
ли Галаба ордени билан тақ-
дирланди. Михаил Борохов
урушдан сўнг Марғилон, Тош-
кент шаҳарларидаги шифохона-
ларда жарроҳлик қилди. Ҳозир
у Урта Осиё медицина педи-
атрия институтида хизмат қи-
лмоқда. Михаил Хияевич илмий
изланишда ҳам самарали на-
тижаларга эришяптир.

У 1960 йили профессорлар
Г. А. Ротенберг ва Б. А. Сте-
кольниковлар раҳбарлигида
номзодлик диссертациясини
ёклади. М. Борохов 61 та ма-
қола, учта китобнинг муалли-
фидир. Шифокорнинг студент-
лар учун ёзган «Шикастланган
ва ўткир жарроҳлик касаллари-

га ердан бериш» китобининг
иккинчи наشري 1991 йилда
«Медицина» нашриёти томони-
дан чоп этишга ҳозирлаб қў-
йилди. Унинг жарроҳликка онд
терминларни яратишда ҳам
муносиб хизматлари бор.

Михаил Хияевич жарроҳлар-
нинг Бутунроссия VI съездида
профессор Латиф Нажмидди-
нов билан биргаликда ўн икки
бармоқли ичка яраси ёрилиб
кетганда янги усулда бир қа-
тор чок қўйишнинг афзаллиги-
ни амалда исботлаб бериб,
катта эътибор топди.

Собиқ медицина хизмати
подполковниги, СССР Медици-
на хизмати аълочиси, тиббиёт-
да салкам ярим асрдан бери
ишлаб келаётган М. Борохов
ҳали тетик, доимо изланишда.

Биз бу мақолани тайёрлаёт-
ган вақтда шифокор архивида-
ги жуда кўп беморлардан
келган миннатдорчилик мак-
тублари билан танишиб чиқдик.
Аксарият ҳатларга «қўлингиз
гадд қўрмасин, жарроҳ Боро-
хов, мен сиз тўғайли ана умр
кечиряпман деган мазмундаги
сўзлар битилган.

Яқинда М. Бороховнинг оила
аъзолари, қариндош-уруғлари,
ҳамкасблари ва шогирдлари
таниқли жарроҳнинг 70 йилли-
гини нишонлашди. Унинг
шаънига илиқ сўзлар, қўтлов-
лар айтилади. Биз ҳам ана шу
табрикларга қўшилишимиз. Ши-
фокорга саломатлик ва зафер-
лар тилаймиз.

Эркин ТУРСУНОВ,
СССР соғлиқни сақлаш
аълочиси.

У ТАБАРРУК УСТОЗ ЭДИ

БҲЮК РИЗЗИЕТЧИ В. И. РОМАНОВСКИЙ ХОТИРАСИНИ ЭСЛАБ

Ҳурматли муштарийларга илгар ҳам беғри кенг
олим, математика илмининг отахонларидан бири
Всеволод Иванович Романовский ҳақида ҳикоя
қилиб берган эдим. Бу саҳоватли инсонни қайта-
қайта ёдга олишимнинг боиси бор. Байналмилал
дўстлик тўғриси ҳақида ўйлаб қолсам, шу буюк
сиймо кўз олдимга келаверади. Жаҳонга номла-
ри танилган, ҳозир ҳам илм ривожига ҳисса қў-
шиб келаётган академикимиз Т. А. Саримсоқов,
марҳум алломи С. Х. Сирожиддиновлардек зукко-
ларни тарбиялаган, камолотга етказган Всеволод
Иванович бўлган ҳурматим йилдан-йилга ортиб
бораверади. Бу беғиз эмас. У ҳақда устозларим-
нинг дил сўзларини кўп бора тинглаганман.

Хусусан, Саъди Ҳасанович «сўздаги эмас, амал-
даги байналмилалчи олим, соф кўнгилли инсон,
жуда беғарез устоз» дея ўз мураббийларига
таъриф берганлар. Унинг ўта билимдонлиги, ўн-
дан ортиқ тилини мукаммал билиши, шогирдларига
меҳрибонлиги ҳақида сўзлаб: «Фандаги ғояларига
эргашиб, ушалмаган орзуларини рўёбга чиқариш
керак» дердилар.

Бу меҳри сўзларда устозга бўлган беғиёс
ҳурмат ифодаси ўз аксини топган эди.

Жумҳуриятимизга худди шундай заҳмати синг-
ган ақойиб тадқиқотчилардан ана бири И. Рай-
кова номи ҳам бугунги кунда илм-фанда юксак
даражаларга эришган неча ўнлаб кишиларга ях-

ши таниш. У дорилфунун ривожига, малакали
кадрлар тайёрлаш ишига кўп ҳисса қўшганлар-
дан бири сифатида катта обрў эътибор топди.
Маҳаллий ёшларни жон-дигдан севар, улардан
билимини аямасди. Унинг сиймоси ҳан ҳам ҳамкасб-
лари, издошлари хотирасида яшамоқда.

Романовский, Райковага ўхшаган илм-фан жон-
қуярларининг сидқидилликлари ҳақида ҳар қанча
тапирсан ҳам озлик қилади. Улар ёшлар қалбига
илм энбисинигина эмас, дўстлик, оғаларча бир-
дорлик уруғини сочиб кетдилар. Бу уруғ узоқ
йиллар давомида яхши самаралар берди. Сами-
ий дўстлик, ўзаро ҳурматни намоён этди.

Ана шулар ҳақида мулоҳаза юритар эканман,
биз доимо дўст, аҳил яшашимиз керак, деган ҳу-
лосага келаман. Чунки устозлар бир-бирларини
қадрлашган. Биз ҳам ана шунга интилайлик. Ме-
нинг қозоқлар, руслар, тожиклар, яҳудийлар,
қрим татарлар, уйғурлардан дўстларим кўп. Ҳо-
зир шу мақолани ёзишим жараёнида қадрдон
грузиялик ўртоғим Элизабет Надарая телефон қи-
либ қолди: «Ассалому алайкум» деб бошлади у
сўзини. Бир чиройли, бир ширин эшитилдики бу
овоз. Мен ҳам у билан грузинча саломлашдим.
Кейин рус тилида бирпас дил езишдик, кўнгилла-
римиз яради. Дўстлик ана шундай қудратли,
эъзозга лойиқ куч экан.

М. МИРЗААХМЕДОВ.



• Бу ерда ҳамма широк



• Яқинда 60 йиллиги муносиб нишонланган Халқлар Дўстлиги
орденли Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтида Иттифоқимиздаги
турли миллат фарзандлари билим олмақдалар. Ани пайда бу дер-
гоҳда 41 ҳориний мамлакатнинг 274 талабаси танлаган иттифослик-
ларини пухта эғаллашга интилаётир.

Олийгоҳда йигирма йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
вакиллари учун беш ва ўн оиллик малака ошириш курслари фаолият
курсаляпти.

— Институт шодиёнаси кунда ҳориний собиқ талабалардан ҳам
кўп қўлов телеграммалари олдик, — дейди олийгоҳ партия ко-
митети секретари Ҳикмат Баҳромович Шоумаров, — улар байнал-
милал дўстлигини таъминлаган билим даргоҳимиз раҳбариятига, жа-
моасига чин дилдан раҳматлар айтишган.

Сиз кўриб турган мана бу суратлар тантана кунда тасвирга ту-
ширилган.

Суратчи Н. МУҲАММАДЖОНОВ.



Социал масалалар бўлимида • Социал масалалар бўлимида •

ЙИЛ бошидан бери вилоятимиздаги савдо дўконларида БХСС хизмати томонидан 320 суниёт-молчиликлар фаш этилди, шундан 135 таси молларин эркин сотувдан яшириб қўйиш фактларидир. Фақатгина 15—20 сентябрь кунлари ўтказилган текширишларда 31 та дўконда яширишлар қайд қилинди.

ЮҚОРИДАГИ рақамлар шуни кўрсатиб турибдики, кўп савдо ходимлари яшириш «касалиги»га мубтало бўлганлар. Юқумли касаллик. Катта-ми, кичик-ми, қайси дўконга кирсанг албатта ниманидир яшириб қўйилганининг гувоҳи бўласан. Баҳонаю сабаблар эса мингта. Асосли-асосис баҳоналар. Масалан, Коммунистик ноҳиясидаги «Баҳор» универмагинидаги жуда кичик бир нарсага эътибор беринг: мева-сабзавотларни банкка консервациялаб ёпиш учун ишлатилган, нархи уч тийинлик тунука қоп-қоқ кассанинг тагида, яъни кўздан пана жойда турибди. Пештахтада йўқ. Нима эмиш? Бу «кўтмас матоҳ»ни кассачи харидорларга қайтим ўрнида битта-иккита бераётганмиш, пештахтага қўйгани билан уни ҳеч қандай харид қилмас эмиш... Бунақа вақтни руҳан қилаётган сотувчи дўкон мудири БХСС ходимларини бошқа сайёрадан келган кишилар деб ҳисоблашармикини? Улар — оператив вакиллар бу ерга таъсир буюришдан олдин бозорда худди шу қоп-қоқни 10 тийиндан пуллаётган чайқовчинни тугганларини хаёлларига ҳам келтиришмас. Хайла келиши ҳам мумкин, бироқ, нимадир дейиш, қандайдир вақт кўрсатиш керак-да.

Ҳозир одамлар бир нарсага ўрганиб қилишибди: қайси дўконга текширувчилар келса эшик олдида тўп-ланиб дўконнинг очилишини кутишмоқда, чунки текширувчилар «топ-ган» моллар пештахтага қўйилмади... Савдо ходимлари, сотувчи халқи эса ҳозирги иқтисодимизнинг оқини-лигини, даврини мана шу вақтинча оқсидан фойдаланиб, ўз манфаатлари йўлида суниёт-молчиликни авж олдиришяпти. Бошқача қилиб айтганда, халқнинг қайғусидан қўл астишяпти.

Худди мана шу психология қўп-ча суний камбаликни келтириб чиқармоқда. Савдога мутасадди раҳбарларнинг матбуот, телевидение орқали чиқишларида ҳам, текширишларда ҳам шуни қўп-қоқни, ҳозир камбё ҳисобланаётган халқ истеъмоли молларининг кўпгина турлари олдинги йиллардагига нисбатан бу йил, бу кварталда, бу ойда кўп олинмоқда. Бироқ, у савдода йўқ. Неге? Бу савдога жавоблардан бири ана шу суний камбаликни аждудга келтиришдир.

Қизик бир мисол: ушбу мақоланинг муаллифларидан бири бўлиши муҳбир бундан бир ойча муқаддам Тошкентда марказий телеграф ёнидаги мебель магазинига кирдим. Ёзув столи керак эди. Бунга қарангки, магазинда «бор» нарса ҳам бор экан: ёзув столи турибди. Ҳа, фақат ёзув столи, бошқа, пластамасса буюмлардан бўлак ҳечини ҳам йўқ.

— Битта ёзув столи беринг, — деди кассачи акачонга.

У «кўп» деди-ю, лекин ёнидаги сотувчи йигит «стол йўқ, у тургани брэк» деди. «Душанба кунин бир харидор олинг» дея қўп-қоқни қилди кассачи.

Сотув залида турган стол ҳечқанақа брак эмасди. Бояги сотувчи э омондоран стол олиб беришга эринди (чунки унинг ашпакини) йўқ, очик савдода турибди), ёки «йўқ» касали ҳуруж қилиб қолди. Бу касаллигини кўрганда аллергияси кўзгаёйган бўлиб қолган харидорлардан бири бўлиши мен эса жадимни ичига ютиш учун тезроқ дўкондан чиқиб кетдим. Ёзув столи Тахташуддаги дўконда ҳам турган экан, хушмуоалегина кассачи аёл бирпасда ишни биттириб берди.

Яна Коммунистик ноҳиясидаги «Бекит-Бекит»га қайтишимиз. «Жумабозор» матлубот жамиятига қарашли 1-сановат моллари дўконда 1202 сўмлик ўта камбё газмол (моқрий трикотин) яшириб қўйилган экан. Сотувчи Жанглиш Жарнишева эса ҳеч айбини тан олмас келмасди. Унинг айби йўқ эмиш, магазин мудири Мадина Ибрагимова Самарқандга кетибди, мудиранинг рухсатисиз сотилмас эмиш. Мудирани иш кунинда Самарқандга нега кетганини билмадигу, балки ростдан ҳам сотувчида айб йўқдир — бу дўконда совет савдо қондаларидан ташқари яна ўзларининг ички қондалари қонунлаштирилган бўлса ажаб эмас... Шунингдек ушбу матлубот жамиятига

зор» матлубот жамиятига қарашли 1-сановат моллари дўконда 1202 сўмлик ўта камбё газмол (моқрий трикотин) яшириб қўйилган экан. Сотувчи Жанглиш Жарнишева эса ҳеч айбини тан олмас келмасди. Унинг айби йўқ эмиш, магазин мудири Мадина Ибрагимова Самарқандга кетибди, мудиранинг рухсатисиз сотилмас эмиш. Мудирани иш кунинда Самарқандга нега кетганини билмадигу, балки ростдан ҳам сотувчида айб йўқдир — бу дўконда совет савдо қондаларидан ташқари яна ўзларининг ички қондалари қонунлаштирилган бўлса ажаб эмас... Шунингдек ушбу матлубот жамиятига

ЯШИРИШ «КАСАЛИ»ГА МУБТАЛОЛАР

ВИЛОЯТ БХСС ХИЗМАТИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»НИНГ
ҚУШМА РЕЙДИ

қарашли 1-хўжалик моллари магазинида сотувчи Замира Юсупова 112 сўмлик чинни буюмларининг қорасини пештахтага кўрсатмагани аниқланди.

«Йўқ» матлубот жамиятига қарашли «Баҳор» универмагининг трикотаж бўлимида (мудир К. Эгамбердиева) сотувдан яширилган 5808 сўмлик моллар чиқди. Булар орасида аёллар ички кийимлари, кўрпа-ғилофлари, чет элда тайёрланган эркаклар кўйлаклари бор. Айниқса, 5 июлда дўконга келтирилган болалар триколаридан ҳануз 440 донеси пештахта остида ётгани аниқланди. Арзон, қулай бў кийимлар кишлоқ болаларига жуда керак, жисмоний тарбия дарсларида худди ана шундай кийим зарур. У эса... Отаналарни ўша арзimas буюмларга ҳам зориқтириш, яъниб-ёлворнига ё бир-икки сўм қўшиб беришга мажбур қилиш инсофдани! Ахир, ўри бўл, бошқа бўл — инсоф билан бўл, деган ҳикматларни ҳам бизнинг ота-боболаримиз айтиб кетганини унутмайлик. Шу дўконнинг Д. Караваева бошлиқ пойабзал, Т. Хатамова бошлиқ газмол бўлимида ҳам 278,413 сўмлик яширилган буюмлар топилди. И. Ногай бошлиқ заргарлик бўлимида эса 3132 сўмлик қумуш занжир ва соғлар яширилган эди.

Ҳатто болалар, энг жажжи болалар учун келтирилган ўйинчоқлар ҳам яшириб қўйилганига нима дейсиз? «Янгибозор» матлубот жамиятининг 24-маданий моллар магазинидаги (мудир Г. Эгамбердиева) азаматлар шунгача бориб етишибди. Бу ерда 977 сўмлик ўйинчоқ, радиола каби буюмларни яшириб қўйишган экан. Шу дўконнинг хўжалик моллари бўлимида чет элда тайёрланган 504 сўмлик кир ювиш кукуни пештахтага қўйилмаган. Бу бўлимининг мудири Ержон Қасимов, ўзини тегирмонга ташласам бутун чиқаман, деб ўйлайдими, ҳайтовур, уч кун олдин унинг бўлими текширилганида 200 сўмлик яширилган чинни буюмлар чиққан эди. Қаранг, сабоқ бўлмасди, орадан уч кун ҳам ўтмай

яна «яшириш касали» ҳуруж қилибди...

Ноҳия матлубот жамиятига қарашли «Ўзбекистон» савдо марказига ҳам бу касаллик юқа бошлабди. Мудир Солиха Келесова Англияда тайёрланган 175 сўмлик аёллар колготкаларини харидорлар кўзидан йироқлаштирибди. Тўғри-да, ўзи ўлгур ноёб матоҳ бўлса, уни кўрган аёлларнинг кўзини ўйнатиб юрагини увиштириб нима қилади, панада тутгани маъқул. Жуда орзуманд аёл бўлса ўша панадан ҳам топиб, аниқроғи, Солихага топтириб олади. Нима, сотувчи шунча колготкани бир ўзи киярмики. Ширинзабон, тил топадиган аёл бўлса баҳам кўраверадими...

Ҳукуматимиз мол танқислигида айрим «тил тополмайдиган», тил топишга маблаг етмайдиган нафақахўрлар қийналиб қолмаслиги учун уларга жойларда «Ветеран» дўконларини очиб қўйди. Бу дўконларда таъминот бошқаларга нисбатан дурустроқ бўлади, аниқроғи, бўлиши керак. Ўз чўнтагидан бошқани ўйламайдиган, оёғи остидан нарини кўрмайдиган ё кўришни истамайдиган айрим савдо ходимлари нафақахўрларни ҳам чўмичда қоқишмоқда.

дан сўранг. Агар у «йўқ мен соғман» деса, 4492 сўмлик паркет лаки, пол эмал-бўёғи ва 217 кўти девор бўёғини пештахтага қўймайлик соғиниш ишми, деб сўранг-чи, нима жавоб қиларкин?

Кунини кеча пештахтада турган нарсалар бугун қарасангиз йўқ, эртага эса уларга ҳам «камбё» тамғаси босялпти. Бозор иқтисодига ўтиб нарх ошаркан деган гап одамларни шошириб қўйди чамаси — нима кўринса шунини харид қилишяпти. Бироқ, кўп озик-овқат турларини метёридан ортиқ харид қилиб бўлмади — бузилиб қолади. Меъёридан ортигини шошиб қолган сотувчилар ғамлашяпти: бузилигунча сотиб юборишга ўлгуршади — эрта-индин «бозор»га ўтилса тезда сотиб юборилаверади. Бугун сотилмай тургани маъқул... Худди шундай ўйлаш — иш тўтиш суний камбаликларни кун сайин кўпайтирмоқда. Йўқса, «Марҳаб» гастронормида (мудир Қарамон Исмолов) 1591 сўмлик 1-нав гурунч, печенье(III) ва бошқа маҳсулотлар омонбон қоронгу бурчагига тахлаб қўйилганини, сотувда йўқлигини қандай изохлаш мумкин!

Вилоятимизнинг бошқа ноҳияларида ҳам савдода текшириш ўтказилганида яшириш касалиниг вируслари кенг тарқалганининг гувоҳи бўлди. Масалан, Тошкент ноҳияси «Гулистон» матлубот жамиятига қарашли 25-дўконда (мудир У. Пулатов) 547 сўмлик ювиш воситалари панада. Қизик, вилоятимиздаги кўп дўконларда кир ювиш кукунлари беамол турган бир пайтда... бу дўкондагилар эски касаллининг эпидемиядан ҳали халос бўлишмабди. Кеча яшириб сотган буюмни бугун дарров пештахтага қўйиб қўйиш алам қилади-да. Бунақадаги «Табассум» универмаги бўлим мудири С. Расулжонов 830 сўмлик атир-упаларни яширибди. Унинг ҳамкасби Г. Мирзаева эса 360 сўмлик дафтар-қаламларни беркитибди. Тўғриси, ёзишга ҳам қўл бормайди: шунчалик майдалашиб кетишганки... Жуда бўлмаса мактаб ўқувчиларини суний камбалик балосидан фориқ тайилик, ҳурматли сотувчилар! Ўзи, яширмайдиган, яширмаса бўладиган бирон нарса қолдирдингизми дўконларда!

Ўрта Чирчиқ ноҳия матлубот жамиятига қарашли 1-дўконда (сотувчи И. Ёқубов) 2542 сўмлик, Охангарон шаҳридаги 1-дўконда (секция мудири З. Ашуров) 1394 сўмлик, Янгийўлдаги 51-дўконда (сотувчи Г. Алилова) 685 сўмлик озик-овқат маҳсулотлари беркитиб қўйилгани расмийлаштирилди.

Текширувда БХСС бўлими оператив вакиллари Н. Азмидинов, А. Рустамов, И. Пирматов, А. Шоматов фаол иштирок этдилар. Бу маъсумий текшириш эмас, бўлими ходимларининг оддий вазифаси. Вазифа эса йилда-уйни ой ҳар кунини бажарилади.

Бир нарса ажабланарли: ҳар бир ноҳия матлубот жамиятида, хусусан Тўғтар Холдорович Умарбеков раислик қилаётган Коммунистик ноҳия матлубот жамиятида ҳам дўконлардаги мана шунча тартиббузарликларни текширишга даъват этилган назоратчилар бор — улар нима қилишяпти, нима учун маош олашяптилар!

Касаллик ҳуруж устида қўлга тушганларни қонун доволайди. Бироқ, касални доволашдан кўра олдин олиш осонроқ ва зарурроқ. Юқоридаги ноҳиялар бўйича саналган бир-неча ўнлаб дўконлар ва дўкандорлар «касалини» тузатиш учун «тез ёрдамни» чақиршиш қарор қилдик. Ёрдам нетижасини кутамиз.

М. ТУРСУНХУЖАЕВ,

Вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи.

Х. ОЛИМЖОНОВ,

«Тошкент» ҳақиқати муҳарриратининг бўлими мудири.

Agabluem va sahnam



ҚИБРАЙ салқин ичмилликлар комбинатига қарашли «Юлдуз» маданият марказининг «Замон» ансамбли санъаткорлари Ўзбекистон ССР Мусиқа жамиятининг йўлнамаси билан Яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтишди. Ансамблининг ҳушовоз солисти, жумҳурият ёш хонандалари IX бешлашувининг совриндори Юлдуз АБДУЛЛАЕВА рўзномамиз таҳририятга ташриф буюриб, ўзининг ана шу ижодий сафардан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Маълумки, Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ва АҚШнинг Сизтл шаҳарлари биродарлашган ҳисобланишади. Бизни чексиз уммон ортидаги бу тинч ва гўзал шаҳарнинг санъат илҳомчилари зўр қизиқиш билан кўтиб олишди. Тайёрағоҳда бизни махсус қарши олишга чиққан ўндан ортиқ киши ҳар бирининг қўлида шаънимизга инглиз тилида илқ сўзлар битилган шиор ва плакатларни қўриш мумкин эди. Очғи, биз сизтликларини бу қадар очикқўнгил, меҳмондўст ва бағри очик бўлишди деб ўйламаганимиз. Иккунинг сафар кўнлари хонедонларда мезбонлар билан ахилноқ яшадик. Бу шаҳар аҳолисининг кўпгина фазилатлари ўзбекларга жуда ҳам ўшаб кетар экан.

Биз Сизтлде беш-олти кун

мобайнида бир неча концертлар намойиш қилдик. Айниқса, шаҳарнинг дорилфунуни ва махсус мактаблардаги ижодий учрашувларимиз таассуротларга гоёта бой бўлди. Биз ўз санъатимизни тарғиб қилиш билан бир қаторда кўпгина атоқли кишилар билан танишдик, улар билан кизгин суҳбат қурдик. Ҳатто мен ижро этган кўшиқларга америкалик раққосалар ўйинга тушишди... Бу концертларда дастлаб «Омонёр», «Дейди-дейди», «Ер-ер», «Чаман ёрингизнинг сингари ўзбек халқ лапарларини доира жўрлигида куйладим. Шундан сўнг «Кетма, вадодор» (А. Назаров мусиқаси, М. Мирсатидова шеъри), «Мен сизни азизим...» (мусиқаси ўзининики, Қ. Саидмуродов сўзи), «Боролмайман», «Ташлама ёр» каби кўшиқларни айтдим.

САФАРНОМА

АМЕРИКАЛИК

ЎЗБЕКЛАР ҲУЗУРИДА



Ашулалар оммавий рақсларга уланб кетди.

Шуниси эътиборга лойиқки, Сизтл кўчаларида автомашиналар ҳеч қачон ситнал чалишмас экан, шовқин-сурон кўтариш ўта маданиятсизлик ҳисобланаркан. Ҳатто ҳайдовчилар одамларнинг оёғи узилган тунлари ҳам кўча қондаларини бузишмайди.

Кейин биз Нью-Йоркда концертлар бердик. Бу шаҳар Сизтлга қараганда анча гавжум ва сершовқин экан. Ҳақимий исм-шарифли ака-ука америкалик ўзбеклар бизни кўвонч билан қарши олишди. Нью-Йоркда ўзбеклар хонедони бир неча мингга ташкил этиб, улар ўзбекча урф-одатларга жуда қаттиқ риоя қилишар экан,

Мен замонавий бўлай деб шим кийиб олганимдан хижолат бўлиб кетдим.

Концертларимизда бизни ўзбек хотин-қизлари ўраб олишди. Улар видео кассеталари орқали санъатимизнинг деярли ҳамма ютуқларидан хабардор эканлар, ҳатто видеолар орқали мен ижро этган кўшиқларини ҳам билишаркан. Нью-Йоркда истиқомат қилувчи ўзбеклар мен ижро этган халқ лапарлари ва кўшиқларини чуқур ўйга толган ҳолда эшитишди, халқимиз маданиятига юқори баҳо беришди. Шуниси қизиқки, у ердаги ўзбеклар — ватандошларимиз бошқа миллатлар билан аралашиб кетмаган, ўзбек оилалари фақат ўзбеклар билан қуда-анда ва

қариндош бўлишаркан. Шу бондан ҳам ватандошларимизнинг бу одатлари менга жуда бошқача бўлиб кўринди.

Бундан ташқари улар тўйларда ёр-ёр айтишар экан. Мен ижро этган ёр-ёри ҳам улар «бизга ёзиб беринг», деб илтимос қилишди. Ватандошларимизнинг кўпчилиги Америкада туғилиб-ўсган, Ўзбекистонни умуман кўришмаган бўлишса-да, лекин ўзбек тилини жуда ҳам тоза гапиришадик, тўғриси, уларнинг гап-сўзларини эшитиб ҳайратга тушдим. Ваҳоланки, улар инглизчани ҳам жуда яхши билишди, аммо ўзбекча гапирганда инглизчани умуман аралаштиришмайди. Мен халқимизнинг ҳозирги ҳаётини тўғрисида уларга ҳикоя қила туриб, бехосдан «бизда ҳали проблемалар кўп» деб юборибман. Шундан сўнг дарадагилардан бири «проблема» сўзининг маъносини суриштириб қолди. Мен дарҳол ўз хатоми тўғрисида, «бизда ҳали муаммолар кўп» дедим. Гапимнинг маъноси уларга шундан сўнг тушунарли бўлди.

Америкадаги ҳаётни ўз кўзим билан кўргач, шу пайтгача бу мамлакатни нима учун бу қадар ёмонлаб келишганини тушунолмадим. Ваҳоланки, биз улардан намуна оладиган жиҳатлар кўп экан.

Суҳбатни Р. ГАНИЕВ эди.

• АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ •

ҲАДЕМАЙ Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонунни қабул қилинганига бир йил тўлади. Мазкур Қонуннинг 16-моддасида «Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртинининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлишларида ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади. Ўзбекистон ССРда бу ёзувини ўрганишни истифодиларга ҳар томонлама имконият яратилади...» дейилган.

Рўзномамиз таҳририят Тил ҳақидаги Қонунни ҳаётга тадбиқ этишга баҳоли қудрат ҳис-

са қўшиш мақсадида ва кўп сонли муштарийларимиз билдираётган таклиф ва истақларни ҳисобга олган ҳолда бугундан эътиборан араб-форс алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувидан туркум машғулотлар бериб боришга қарор қилди. Уйлаймизки, эски ўзбек ёзувини мустақил ўрганишга аҳд қилганлар учун бу машғулотлар айни муддао бўлади.

Дарсларни бу соҳанинг мутахассислари — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари Манзар АБДУЛХАЙРОВ ва хаттот Раҳимбой ЖУМАНИЕВ олиб борадилар.

АРАБ-ФОРС АЛИФБОСИГА АССОЛАНГАН ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ (Биринчи дарс)

Бугунги дарсимизда биз араб ёзувида хос умумий хусусиятлар тўғрисида маълумот беришдан олдин, қисқача дарсимизнинг йўналиши, яъни дарс услуби ва сиз, муштарийларга сабоқларни ўзлаштириш учун қандай иш тутишингиз борасида методик маслаҳатлар берамиз.

Биз дарони алифбо тартибидан эмас, балки бир томондан қўшилувчи ҳарфлардан бошлаймиз. Унлиларни ифода этувчи алиф, вав, йо ва қисқа унлиларни ифодаловчи ҳаракат (диакритик белгиларни олдинроқ утиш кўзда тутилди).

1. Ҳуонахитингиз чиройли чилишлтиги учун пероли ёзув юролидан фойдаланганингиз маъқул.

2. Ёзишда кийналмаслик учун маъқулни каттаки дафтар варақларига битиш мақсадга мувофиқ.

ЭСЛАТМА: Эски ўзбек ёзувида хатнинг наставкали турида бериб борилади. Сиз ёзганингизда ҳарфларни унга монанд бўлаётманг. У махсус «чиг» рўқаси билан ёзилган.

Араб алифбоси вами 28 та ҳарфдан иборат. Ҳаролаар томондан 20 та тўртта ҳарф қўшилган, шулар билан ҳарфлар сони 32 дан иборат. Эски ўзбек ёзувида ҳам шу ҳарфлар истифода этилади.

Араб ёзувининг асосий хусусиятлари: Ҳат ўнган чапга томон ёзилади. Ёзувда беш ҳамда кичик ҳарфлар ифодаланмайди. Қисқа унлилар ёзувда акс этмайди. Ҳарфлар узаро боғланишлари

жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади.

ИЗОҲ: Яъни ёзувда 32 та ҳарфнинг еттиси икки хил кўринишга эга. Улар ўнг томондан келган ҳарфларга боғланиб, чап томондан келган ҳарфларга боғланмайди. Қолган 25 та ҳарф 4 хил кўринишга эга бўлиб, ўзидан олдин ва кейин келган ҳарфларга боғланиб ёзилади. Сўзнинг зағидида бир хил кўш ундош ёки кўш унли келса, улардан биттасигина ёзувга ифодаланади. Ёзувнинг бу жиҳатлари ҳақида кейинги дарсларимизда махсус тўхталамиз.

1. АЛИФ () ҲАРФИ

Алиф бир томондан қўшилувчи ҳарфларнинг биринчиси у ўндан олдин, яъни ўнг томондан келган ҳарфга қўшилиб, кейингисига қўшилмайди. Ёзувда икки хил кўринишга эга: Яқна ҳолда () , ҳамда боғланган ҳолда (). Алифининг биринчи кўриниши ақоридан пастга томон ёзилади. Иккинчи кўриниши пастдан ақорига томон ёзилади. У сатр чизигида ёзилади:

1. Алиф ёзувда "а" унлисини ифодалайди. 2. Сўз бошида "мадда" белгиси билан келганда "о" ҳарфини ифодалайди:

ИЗОҲ: Мадда арабча сўз бўлиб "чўзиш" маъносини англатади. Сўз ўртаси ва охирида келганда "мадда" белгиси тушиб қолади. Лекин сўзнинг маъносига қараб "о" тарзида ўқилаверади.

1-топшириқ. Алифининг биринчи кўринишини беш қатордан ёзиб чикинг.

2-топшириқ. Алифининг иккинчи кўринишини беш қатордан ёзиб чикинг.

3-топшириқ. Мадда белгиси алиф ҳарфини беш қатордан ёзиб чикинг.

ИЗОҲ: чиг - араб хат турларини ёзиш учун қамшидан яса-ладиган (ручка) ёзув юроли.

МАНЗАР АБДУЛХАЙРОВ
РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЕВ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси
А.С.Пушкин номидаги Тил ва ада-
биёт институтининг илмий ходимлари

ОЛОВЛИ ИЛЛАР ЛИРИКАСИ

СОВҒАНИ ТАТИГАНДА...

Фронтга келди меҳмон
Азиз Ўзбекистондан.
Боғи Эрам, дилижон,
Ҳаётбахш гулистондан.
Узоқ Болтиқ бўйида
Ейилди кенг дастурхон.
Майиз, ёнгоқ ҳам жийда,
Нозу неъмат, бол-эхсон.
Котелокда дамладик
Роҳатдан кўк чойни,
Соғиниш-ла эсладик
Туғилган азиз жойни.
Чикқандайини хумордан
Севинч билан қўзғалдик,
Қарздор бўлиб дийрдан
Янги жангга йўл олдик.

НАЗАРМАТ
1945.

ЎТИНЧ

Мусаввир, сендан
Ўтинччи бор,
Бахтнинг суратини менга
бер чизиб.
Мен унга боқай ўқисан
дадилар,
Токи кўз ёшларим
чиққунча сизиб.
Қўлга олай уни ойдин
оқшомлар,
Қалбимни сокинлик
ўраган дамда.
Омонсиз сўроқлар
юракин тутиб
Жавобин тезлаб сўраган
дамда.
Армонлар юракда маҳзун
кезган чоғ,
Етмаган тиллақлар
ўрганда туғён.
Уларга кўрсатиб
бахтнинг суратини
Шодлимоқликка тоғайин
илмон.
Саломат НИШОНОВА.
Тошкент райони.

Болгарияни дунёга машҳур қилган Ванга исмли аёл ҳақида журналистлар, ёзувчилар, мутахассис врачлар кўп нарсалар ёзишган. Бизнингча, улар орасида ҳаммадан ҳам диққатга сазовори унинг жияни Крассимира Стоянова қаламига мансуб ҳужжатли қиссадир. Негаки Крассимира маълумоти бўйича филолог. У кўп йиллар давомида ҳоласининг истеъдодини яқиндан кузатиш имкониятига эга бўлган. Унинг жуда тўғри баъорат қилиши, одамларнинг ўтмиши ва келажagini кўра билиши, маслаҳатлари билан улар ҳаётга таъсир эта олиши, касаллиқни дарҳол аниқлай билиши, даволаш учун самарали йўл-йўриқлар кўрсатишини шахсан кузатган.

Ванга жаҳонга машҳур ўилаб одамлар билан селанслар ўтказган. Шу жумладан ҳозирги замондошларимиз ҳам бу кўзи очиб, анча кексайиб қолган аёл олдиан ҳайратдан ёқа ушлаб чиқишади... Қўйида «Тошкент ҳақиқати» ўқувчиларига Ванга ҳақидаги қиссадан парча ҳавола қиламиз.

УЛКАН уммон қаршисида турибман. Унинг турли хил жиловли кенсиз тўқинлари оёқларимга чайқалиб урилади. Атрофидаги ҳамма нарса поенсиз, тушунтириб бўлмайдиган ва маҳобатли. Мен табиат сирлари ичига киришга нитилиб, ҳаёлга чўшиб шундай ниҳосиз турмушнинг мумкин эди. Лекин мен қўнмади чанг заррачаси-ман, ҳолос. Мен олдимдаги вази-фа — ўзининг қамраб бўлмасли-ги, сирлидиги билан океан тўқин-ларига ўхшаш Вангадаги ноёб ҳо-дисани баён қилиб бериш вази-фасини уудалашга кўрбим келмайди. Мен нўноқ сузувчиман. Лекин сув тубига шўнғиб, у ердан ақл бовар қилмайдиган «мўъжизани олиб чиқишим», уни тасаввуф ва хурофот ҳужумидан фориг этишим керак. Бошқа одамлар учун баён қилиб беришим лозим. Удалай оларимканман? Билолмадим. Ванганинг ўзи бу ишдаги қатъияти-ни сира ҳам қўуватламади:

«Бунақа китоб ҳозирча ёзили-ши мумкин эмас. Кўринмас нарсани қандай тасвирлай оласан, жа-ҳонни қандай қамрай оласан. Ман-тиқда тўғри келмайдиганини қан-дай тушунтира оласан, моддий бўл-маган нарсага қандай ишона оласан?» — деганди у менга 1979 йилдаёқ.

Мен ҳақиқатан бунни билмаيمان. Бироқ ўз ораумни рўёбога чи-каришга урнио кўраман. Мен эри-шиш қийин бўлган маҳсадага ин-сон ва ноёб ҳодиса ҳисобланмиш Ванга меҳри ва ҳайрат, унинг одамларга муносабати, ҳаммага хотиржамлик ва ишонч улаштиши, дадиллик ва умидга руҳлантириш-га интилиши дарват этади. Шун-чалки отир юни ўз зимматга оли-шим керакми ўзи? Керак. Олдин-дан билувчилар, пайгамбарлар ва ааромат қилувчилар инсониятнинг бутун тарихида бўлган, лекин улар афсона ва ривоятлардан бе-қолган. Ванга эса — бизнинг за-мондошимиз. У кўз олдимизда «мўъжизалар» яратмоқда. У ҳай-ратомуз аниқлик билан узоқ ва яқин ўтмишга, ҳозирги давр ва келажакка кириб боради, қалби-мининг энг чуқур қатларига ча-тегиб ўтади, руҳимиз ва танимиз-даги оғриқларни тўзатади, билин-мас оламларга етиб боради ва бизга ундан ниҳоятда ажиб нарсалар ҳақида хабар беради, ай-рини одам, бутун шахарлар, халқ-лар, давлатлар, бутун ер юзига баъорат қилади, бутун табиат билан мулоқотда бўлади. Унинг учун «жонсиз табиат» деган тушунча йўқ, бизни ўраб турган ҳамма на-рса унинг учун ҳозирча бизга но-маълум қонун ва қончалар асоси-да яшаб ривожланаётган яхлит бир нарсадир.

XX аср охирида орамизда шун-дай бир одам яшаб, кўп йиллар давомида бизга ўзининг ноёб қо-билиятларини исботлаб келаятган бўлса-ю, биз бу ҳодисани четлаб ўтмо, ҳозир уни тушунмай, изоҳ-лаб беролмай келаятганлигимиз учунгина авлодларга яна фақат бир хил ўша ривоят ва афсоналар-ни руқач қилверсан, улар бизни ҳеч вақт кечираймикин?

Бу китобни ёзиш чоғида турли қийинчиликларга дуч келдим. Бу

аввало — сўзлардир. Вангада шу-нақанги галати ва мислсиз башо-ратлар ёки ҳолатлар борки, улар-ни биздаги бора сўзлар билан баён қилиб бўлмайди. Бошқа атамалар ва бошқа номлар керак бўлур эди. Шунинг учун мен Ванганинг изоҳ-ларида ўз тушунчаларини қолдир-дим, уларни қандай айтган бўлса шундайлигига қўйсин дедим.

Иккинчи қийинчилик — воқеалар-нинг ўзидир. Бу воқеаларнинг ай-римлари шу қадар ажибки, соғ-лом ақл доирасига шунчалик си-майдики, мен уларни китобга ки-

унинг ўзи ҳам эмасди, қандайдир «бошқа» одам унинг гапларини айтарди. Мен эшитган сўзлар бу сўхбат олдиан биз гаплашаётган гапларга сира алоқаси йўқ эди, сўхбатга қандайдир бошқа одам қўшилган бўлганда ҳам шундай бўлмасди. Мен «Мана, биз сени кўриб турибмиз...» деган сўзларни эшитдим. Шундан кейин шу кунни мен эрталабдан машғул бўлган нарсаларим ҳаммаси батафсил ай-тиб ўтилди. Кўрқувдан ханг-манг бўлиб қолдим. Биз уйда ёлғиз эдик. Бироз ўтгач Ванга ҳўрсини шундай деди: «Ух, мени кўчлар холи қўйишди» — ва аввалги мавзуга қайтди. Мен ундан нега ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ нима қилганлигини ўзимга тасвирлаб айтиб берди, деб сўрасам у ҳеч нарсани тасвирлаб айтиб берганим йўқ, деди. Мен ундан эшитган нарсаларини айтиб берганимда у шундай деди: «Эҳ, бу «кўчлар», кичик «кўчлар» доим енимда бўла-дилар. Катталари, уларнинг бош-лиқлари ҳам бор. Улар менинг оғзим билан гапира бошлашга қар-ор қилганда менга ёмон бўла бош-лайди, кейин кун бўйи калтаклан-гандай юраман. Кези келганда ай-тиш керакки, сен уларни ўзинг кўришинг мумкин, улар сенга кў-ринишмоқчи».

Шунчалик хайратда қолдимки, хоҳламайман деб бақириб юбора-ёдим. Кейин бироз ўзимга кел-дим, қизиқсиниб қолиб нимани кў-

Крассимира СТОЯНОВА



ритишга журъат этмадим. Уларни олимлар ва мутахассислар аниқ-лашн учун қолдирдим.

Учинчи қийинчилик — хотира. Бу биз учун яхшимас, лекин биз Ванганинг ноёб қобилиятлари ҳа-қида ёзувлар қилиб боришга анча кеч киришдик ва ҳозир биз, унинг қариндошлари кўрган, ундан эши-ган ҳамма нарсаларни янгишга қарор қилганимизда, у айтган нарсаларнинг ҳаммасини эслаб олиб қололмаганимиз, ёки у айтган на-роматлар ва сўзларнинг бир қисми-нигина эслаб олишимиз маълум бўлди, уларсиз китоб матни бир қанча қизиқ ҳодисалардан бебаҳ-ра қолмоқда, агар улар киритил-ганда Ванга кнефасини яна ҳам кўпроқ ойдиллаштирган ва қизи-қарлироқ қилган бўлар эди.

Пигирма йил муқаддам ўша вақтдаги сугестология институти директори, парансихологга соҳа-сида жуда обрўли бўлган доктор Георги Лозанов Ванганинг гайри-оддий фаолиятини ёзиб бориш зарурлигини тушунган эди. Шу туфайли у дунёга «маълум» бўлди ва кўринди, у ҳақида тадқиқотлар илмий асосга қўйилди. Шу билан бирга «қаромат»чини тадқиқ қил-ган бир гуруҳ алмий ходимлар билан бирга у Ванга ҳўзурига кел-ган эминглаб кишилардан сўров ў-тказди, 7 минг ҳолатни батафсил тасвирлади, Ванга берган юзлаб сеансларни магнитофонга ёзиб ол-ди, ҳатто илмий фильм ишлади. У ўша вақтда чет эл журналист-ларига шундай деган эди: «Ван-гада «билиш» тасодифий тўғри келиб қолиш чегарасидан чиқиб кетади ва «билиш» тахминан 80 фоизни ташкил этадини, бу жуда юқори кўрсаткичдир.

Бир кун Петричадаги уйимиз-да Ванга мен билан гаплашиб қол-ганда ўн олт ешда эдим. Лекин бу унинг овози эмасди, ҳатто

радимни! — Йўқ, мен радионик кам-дан-кам эшитаман.

— Унинг қаромат кучи қўйилган муаммонинг жиддийлиги ёки у гап-лашаётган шахсининг кучига боғлиқ-ми! — Ҳа.

— Шахсининг шу лаҳзадаги соғли-ги ёки руҳий кайфиятига боғлиқ бў-ладими! — Йўқ.

— У келган одамнинг асосий, ҳаё-тий муаммосини қандай аниқлайди! — Қнефа пайдо бўлади, сўнг «овоз»-ни эшитади.

— Унинг қаромат қилиш қобилия-ти олий кўчлар томонидан програм-малаштирилган деган тўғру унда борми! — Ҳа.

— Қандай кўчлар томонидан! — Бу саволга жавоб бермади.

— Уларни қандай кнефада қабул қилади! — Кўпинча «овоз» тарика-сида.

— Уларни кўрганми! — Ҳа. Одам ўз аксини сўвда кўргандек тиник кнефалар кўринади.

— Ҳаводаги ялтироқ нуқталар — уларнинг илаён бўлишми! — Ҳа. — Улар моддий нарсаларга айланиш мумкинми! — Йўқ.

— Ванга кимнинг хоҳиши билан — уларнингми ёки ўзининг хоҳиши билан улар билан алоқа боғлаш мумкин! — Одатда уларнинг хоҳи-ши билан. Лекин ўзи ҳам «кўчлар»-ни қакриши мумкин.

— Улар тўғрисидаги турли мав-ҳум нарсаларини унинг саволлари ор-қали аниқлаб ола-с бўладими! — Йўқ, бу қийин масала. Улар жуда мавҳум жавоб берадилар.

Алоқа бир ёклама, ўзини улар истаги билан бўлади, шундайми! — Ҳа, кўпинча шундай.

— У ўлган одамни қандай кўра-ди! Қнефа, тушунча ёки бирон бош-қа кўринишдами! — «Қнефа»ни кў-ради ва «овоз»ни эшитади.

— Ўлган одам билан алоқа боғ-лаётганда марҳумнинг ўзи қизиқиш намоён этадими ёки фақат савол-ларга жавоб қайтарадими! — Жавоб ҳам қайтаради, ўзи ҳам саволлар бе-ради.

Улимдан сўнг шахс сақланиб қоладими! — Ҳа.

— Одам ўлимни қандай қабул қи-лади! — Фақат жисмоний ўлим си-фатида.

— Нима кучлироқ — қариндошлик алоқасини ёки руҳий алоқа! — Ру-ҳий алоқа кучли.

— Бирмунча юксак ақллилар бор-ми! — Ҳа.

— Одамларни ақлнинг маълум эволюцион босқичида турувчилар бирлиги тарзида қабул қилсан па-раллель бошқа, олий ақл мавжудми! — Ҳа.

— У қаердан пайдо бўлган! — Фазоданик, Еринг қадимий мада-ниятидаки ёки унинг келажатидан-ми! — Фазодан.

— Ер юзиде бизникигача катта маданиятлар бўлганми! — Ҳа.

— Қанча! — Бу саволга жавоб бермади.

— Инсоният маданиятининг ақлнинг бололиқ еши деб ҳисоблаш мумкин-ми! — Ҳа.

— Коинотда бизнинг маданият да-ражасида бўлган ақл борми! — Жа-воб бермади.

— Бошқа маданият [олам] вакилла-ри билан учрашув бўладими! — Ҳа.

— Ер атмосферасида «учар ли-копчалар» борми! — Ҳа.

— Улар қаердан келган! — Ердан ҳисоблаганда учинчи сайёрадан. Уни улар тилида Ванфим деб аталади, ёки у шундай деб эшитади. — Бош-қа ҳеч қанақа изоҳ бермади.

— Улар билан икки томонлама контакт [телепатик ёки бошқа бирон хил] амалга оширилганими! — Йўқ. Улар ўзлари алоқалар қиладилар.

Бирон-бир тарзда изоҳлар бери-ши зимматга олмаيمان.

Ванга — диңдор одам. Худо борлигига ишонади. Журналист К. Ёнинг Масихни кўрганмасиз, деб берган 1983 йилдаги саволи-га (мен сўхбатнинг магнитофон ёзувини сақлаб қолганим) у шун-дай жавоб берган: «Ҳа, лекин унинг гавдаси йўқ. Бу улкан олов шар, унга еруғлиги туфайли қар-аб бўлмайди. Фақат ерут кўри-нади, бошқа нарса эмас. Агар ким-ни сенга Худони кўрдим, деса билки, бу ёлгон».

(Давоми бор).

• Воқеалар • Фактлар • Шарҳлар •

• Баҳс давом этади •

ЭНГ ЯХШИ
ИЖРОЧИ КИМ?

ЭНГ яхши ижрочини аниқлаш учун ўтказмоқчи бўлган танловимизга биринчи гулқоз (откретка)лар кела бошлади. Шубҳасиз, уларни юбонгларнинг асосий қисми ёшлар ва нима учундир кўпчилиги йигитлардир. Гулқозларни кўздан кечириш камми, ўйлаб қолдик: нима, қизлар ўзлари яхши кўрган қўшиқчи ёки гуруҳнинг биринчи ўринини олишнинг исташмайдими? Бизнингча, ижрочига ҳурматини билдиришмоқчи бўлган муҳлис шубҳасиз ўзи яхши кўрган хонанданинг исми ва қўшиғининг номини рўзномамиз саҳифасига олиб чиқса уни фақат хурсанд қилиб бўлади.

Муштарийларимиз хатларида турли истақ-таклиф, эътирозларини ҳам билдиришгани, бизнингча, буларнинг баъзиларини эътиборга оلسа бўлади. Асосий эътироз радио ва ойна жаҳонга бўляпти. «Уларда берилаётган концертларда қўшиқнинг номи келтирилмайди», деб ёзибди тошкентлик В. Нуъмонова радио ва ойна жаҳоннинг кўзда тутиб. Қўшимча қилмоқчимиз, уларда нафақат қўшиқнинг, балки шоир, бастакорнинг ҳам номи келтирилмайди.

Яна тошкентлик Гавҳар Алимова қўшиқчимиз Юлдуз Усмоновага, севимли қўшиқларини билан ойна жаҳон юзидан ҳеч кетмаслигини илтимос қиламан. Чунки бугун дақиқаларимиз — сизнинг қўшиқларингиздир, деган тилакларини етказишни сўраб Юлдузхоннинг қизи Нилуфарга саломларини ҳам айтган ва қўшиқчидан икки оғиз дастхати туширилган гулқоз юборишни сўраган. Бизнинг ҳозир қўшиқчи билан учрашиш имкониятимиз йўқ. Чунки у сафарда кўп бўлади. Балки рўзномамизнинг ўқиган Юлдузхоннинг ўзи Гавҳарга атаган даст-

хати туширилган гулқозларини бизга юборар ва биз ўз навбатида уни Гавҳар Алимовага бериб қўямиз.

Ўқувчиларимизга яна шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, сизларнинг қанчалик фаол иштирок қилишингизга қараб, «Энг яхши ижрочи» танловини келаси йили ҳам давом эттириб, сиз истаган хонандаларга, сиз билишни хоҳлаган саволлар билан мурожаат қилиш, бўлиб ўтган суҳбатни рўзномамиз саҳифаларига чиқариш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Рўзномамиз эса янги йилдан қанча савдога кам чиқади. Шу боис «Тошкент ҳақиқати»га вақтида обуна бўлсангиз сизнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Бугун эса навбатдаги танловимизни бошлаймиз. Демак, энг яхши ижрочи ким ва ўқувчиларимиз қайси қўшиқни энг яхши дейишляпти? Сизлардан келган гулқозларга асосланиб қуйидаги рўйхатни тузиб чиқдик.

1. Охунжон Мадалиев «Кўнглимда бир ёр»
2. Ёис Бойтоев «Инглаётган қизга»
3. «Болалар» диско рок гуруҳи «Ширин қиз»
4. Муҳриддин Холиқов «Узатамиз»
5. Нуриддин Ҳайдаров «Юр муҳаббат, кетдик бу ердан»
6. Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров «Лапар»
7. Мухаммадкарим Соипов «Ёр ўзга ёр бўлди»

Сизлардан яна бир марта илтимос, гулқозларни юборайтганда унга фақат битта хонанданинг ва битта қўшиқнинг номини ёзинг. Гулқозларингизни кутамиз. Сиз ётирган қўшиқчининг ва қўшиқнинг биринчи ўринини олиши фақат сизга боғлиқ.

Р. ХУДОЕРОВ тайёрлади.



● МОСКВАНING «Форум» кинотеатрида «Спрут-4» фильми намойиш қилинди. Бу намойиш «Совэксспортфильм» Бутунитти-фок бирлашмаси ҳамда Италиянинг «САЧИС» фирмаси ҳамкорлигида уюштирилди. Машҳур италиялик актёр Микеле Плачидо журналистлар билан учрашувда келгуси иккунчи йилнинг ҳақида ҳикоя қилиб берди. Суратда: Микеле Плачидо.



● ШУ ЙИЛ 12 сентябрдан бошлаб Москва ва Сочида Совет болалар фондининг янги лотереяси тарқатилга бошлади. Ундан тушган маблағ болаларга ёрдам кўрсатиш тadbирларига сарфланади. Бир чиптанинг нархи 5 сўм. Ютуққа 5 сўмдан 25 минг сўмгача пул чиқиши мумкин. Кўп ўтмай тошкентликлар ҳам мазкур лотерея ўйинида қатнаша оладилар. Суратда: Янги лотереянинг ташвиқот-плакат нусхаси. ТАСС суратлари.

КОМБИНАТДА
ТИЛДАН
ИМТИҲОН

● ТОШКЕНТДАГИ 1-ўйсозлик комбинатда ўзбек тили курсларининг тингловчилари дастлабки имтиҳонини топширдилар. Корхонанинг 55 ходими тўрт ой мобайнида ўзбек тили грамматикаси асосларини ўрганиб, оғзаки нутқ қўникмаларини ўзлаштирди. Комбинатнинг кўпгина ходимлари имтиҳонда ўзларининг яхши билимларини намойиш этишди.

[ЎЗТАГ].

● Сўраган эдингиз ●
Ишқор қандай яратилади?

РЎЗНОМАМИЗ саҳифаларида «Деҳқон маслаҳати» руқни остида бериб борилаётган тавсиялар изсиз кетаятгани йўқ. Оққўрғон ноҳиясидан Х. Расулов, чинозлик А. Ашуровлар қовун қоқи тайёрлаганда маҳсулотнинг қорароқ тус олган жойини саргайтиса бўлади, деб сўрашибди. Яна Бекобод ноҳиясидан А. Донёрова майиз тайёрлашда ишлатилган ишқорнинг нима эканлигини тушунириб беришимизни илтимос қилибди. Қуйида биз унинг мактубидан бир парча келтирмоқчимиз:

«Ҳурматли муҳаррир! Мен рўзномангизнинг 11 сентябрь сонидати Исматиλλα Тошевнинг «Майиз тайёрлашни биласизми?» мақоласини қизиқиш билан ўқидим. Факат ишқор нима эканлигини тушунмадим. Майиз тайёрлашда ишлатилган ишқор қанақа, бирон жойда сотиладими, шуни аниқлашда ёрдам берсангиз».

...Таркибида калий, натрий тузлари кўп бўлган

ўсимлик териб олиниб ёндирилади. Унинг кули сувга аралаштириб шарбат тайёрланади. Сузиб олинган шарбатдан ишқор ўрнида фойдаланса бўлади. Лекин бу иш кўп меҳнат талаб қилади. Ундан кўра керакли микдордаги содани (кир ювиш содаси Na_2CO_3 ёки поташ K_2CO_3)дан ишқор ўрнида фойдаланган маъқулроқдир. Лекин булар синтетик кир ювиш воситалари эмас. Бу нарсаларни хўжалик моллари магазинидан харид қилса бўлади. Бундан ташқари худди шу мақсадда оддий ишқор, ўювчи натрийдан (NaOH , КОН) ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин унинг таркибида калий, натрий тузлари ниҳоятда кўп бўлгани учун оз микдорда олиб эҳтиёткорлик билан ишлатиш керак. Акс ҳолда улар бирор ерингизга тегса яра қилиш эҳтимоли йўқ эмас. Биз сизга юқорида айтган кир ювиш содаси ёки поташдан фойдаланишнинг тавсия этамиз.

Исматиλλα ТОШЕВ.

● Футбол:

МУҲИМ ҒАЛАБА

● МУСОБАҚАЛАР пешқадам Владикавказнинг «Спартак» командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган «Пахтакор»нинг очколар соми 44 тага етди. Шу турда «Тирас» билан дураг ўйнаган «Металлург» ҳисобида 45 очко бор. Қолган ўйинлар натижаси: «Таврия» — «Нистру» — 0:0, «Кубань» — «Зенит» — 2:1, «Динамо» [Ск] — «Нефтичи» — 2:0, «Қайрат» — «Котайк» — 1:1, «Локомотив» [М] — «Динамо» [Ск] — 3:2, «Кузбасс»

— «Ростсельмаш» — 0:1, «Геолог» — «Локомотив» [НН] — 2:1, «Шинник» — «Факел» — 2:2. Энд «Пахтакор»нинг пешқадамдан бир очко, тўртинчи ўриндаги командадан эса 7 очко ажратиб турди.

«Пахтакор» эртага соат 17 да Абовеянинг «Котайк» командасини ўз майдонида қабул қилади.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

АТОҚЛИ
ОЛИМ
НОМИДА

Ўзбек маънавий мероси узок ўтмишга бориб тақалади. Машҳур тилшунос Маҳмуд Қошғарий ёзиб қолдирган «Девони лугатит турк» асари бебаҳо ижод намунаси янглиг Шарқда алоҳида эъзоз топи.

Лугатшунослик тарихини бошлаб берган мазкур асарни татқиқ этишда етук филолог олимларнинг ҳиссалари катта бўлди. Уни ҳозирги ўзбек ўқувчиларининг мулкига айлантириш учун аломо олим С. Муталлибов узок йиллар ишлади. Таниқли тилшунос татқиқотчи сифатида кўплаб йирик асарлар яратди.

Ана шу заҳматнаш фан соҳиб номини абадилаштириш мақсадида Киров ноҳияси халқ таълими бўлими ташаббуси билан 250-ўрта мактабга Солиҳ Муталлибов номи берилди.

С. ОДИЛОВА.

БОШҚОТИРМА

1. Электр зарядининг оқими. 2. Йил фасли. 3. Катта хона. 4. Бўёқ тури. 5. Ҳажм ўлчови бирлиги. 6. Бадий ёки илмий асар қисми. 7. Кимёвий элемент. 8. Ойнаванд дараза. 9. Дуккакли экан тури. 10. Геометрик шакл. 11. Атоқли пролетар ёзувчиси «Дунёни титратган ўн кун» асари муаллифи. 12. Ғалла экани ҳосили. 13. Энг азиз неъмат. 14. Сув чиқариш мосламаси. 15. Туркиядаги кўл. 16. Зиё, ёғду. 17. Европадаги давлат пойтахти. 18. Сув ҳолатларидан бири. 19.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари қаҳрамони. 20. Тола олингандаги техника экани. 21. Эраклар овози. 22. Кабобпазлик анжоми. 23. Мактуб. 24. Эртапишар ҳўл мева. 25. Каттиқ жинс, қурилиш материал. 26. Еруғлик бирлиги. 27. Шахмат ўйинидаги ҳолат. 28. Миллий ҷолғу асбоби. 29. «Бузрук» мақоми ашула бўлимининг шўбаси. 30. Тоғ саноати корхонаси. 31. Серсув ҳўл мева. 32. Улкан денгиз ҳайвони.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

